# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 21 сентябрь, № 198 (8541) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАР ДАСТУРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлди.**





Давлатимиз раҳбари ташриф доирасида 20 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Футбол ассоциациялари халқаро федерацияси (ФИФА) раҳбари Жанни Инфантино, “Boston Consulting Group” компанияси раиси Рич Лессер ва компаниянинг Марказий Осиё ва Каспий минтақаси бўйича раҳбари Рза Нуриев, АҚШнинг энг йирик “Citigroup” молиявий корпорацияси раиси Жон Дуган, Жаҳон банки гуруҳи президенти Ажай Банга ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Анвар ул-Ҳақ Какар билан учрашув ўтказди.

Президентимиз Жанни Инфантинони 2023 йилги футбол бўйича аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон ва ФИФА ўртасидаги самарали шериклик алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Футболни ривожлантириш ва ёшларни кенг жалб қилиш бўйича қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ФИФАнинг йирик халқаро тадбирларини, шу жумладан, аёллар ва ўсмирлар ўртасидаги биринчиликларни ташкил этиш ва ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Федерация раҳбари Ўзбекистонни 2024 йилда илк бор ФИФА шафелигидаги футзал бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиши билан табриклади ва унинг юқори савияда ўтказилишига муваффақиятлар тилади.

Шунингдек, Жанни Инфантино юртимизда оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, замонавий инфратузилма ва таълим базасини яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолади.



“Boston Consulting Group” компанияси раиси Рич Лессер ва Марказий Осиё ва Каспий минтақаси бўйича раҳбари Рза Нуриев билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари АҚШнинг ушбу консалтинг компанияси Ўзбекистондаги йирик корхоналарнинг бошқарувини мақбуллаштириш лойиҳаларида фаол иштирок этаётганини қайд этди. Ўтган йили Тошкент шаҳрида “Boston Consulting Group”нинг офиси очилди.

Суҳбатда сунъий интеллект салоҳиятидан фойдаланган ҳолда Билимлар иқтисодиётига ўтиш бўйича узоқ муддатли комплекс стратегияни, саноатни ривожлантириш дастурини ҳамда Ўзбекистон энергетика соҳасини ривожлантириш “мастер режаси”ни биргаликда ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Инвесторлар билан Ўзбекистон ҳудудларини ривожлантиришга узвий боғлаган ҳолда ишлаш самарадорлигини ошириш, давлат корхоналари ва банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштириш, банкларнинг рақамли инфратузилмасини модернизация қилиш, шаҳарларни ривожлантириш ва энергетикадаги лойиҳаларни экспертиза жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

АҚШнинг энг йирик “Citigroup” молиявий корпорацияси раиси Жон Дуган билан учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон банклари ва давлат корхоналари облигацияларининг халқаро фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилишига кўмаклашган корпорация билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси “Citigroup”нинг мамлакатимизда “Citibank” шуъба банки офисини очиш бўйича режаларини қўллаб-қувватлади.

Учрашувда банк-молия соҳасини ривожлантириш, фонд бозоридаги қимматли қоғозлар жозибадорлиги ва ликвидлигини ошириш учун самарали воситаларни жорий этиш, мамлакатимиз капитал бозорига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

АҚШ корпорацияси билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таъсирчан механизмлар ва аниқ ижро муддатларини кўрсатган ҳолда “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ажай Банга билан учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Ажай Бангани Жаҳон банки гуруҳи президенти лавозимида иш бошлагани билан табриклади ҳамда унинг раҳбарлигида банк ривожланаётган мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишига фаол кўмаклашишни давом эттиришига ишонч билдирди.

Хусусийлаштириш ва самарали давлат бошқаруви соҳаларида банкнинг экспертлик ва техник кўмагини кенгайтириш, карбонсизлаштириш, муқобил энергетика, инфратузилма ва коммуникациялар, сув таъминоти бўйича лойиҳаларни молиялаштириш ва уларга хусусий инвестициялар, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш ҳамда Трансафғон темир йўлини қуриш каби стратегик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ажай Банга, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини юқори баҳолаб, ўзаро манфаатли шерикликни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.

Банкнинг дунё бизнеси етакчи вакилларидан иборат Маслаҳат кенгаши Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон банкнинг энг йирик ҳамкор-бенефициарларидан бири ҳисобланади, сўнгги олти йилда қўшма лойиҳалар портфели беш баробардан зиёдга кенгайди.

2026 йилга қадар даврга мўлжалланган ва жами 4 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутувчи Ҳамкорлик дастури Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг барча устувор йўналишларини қамраб олган.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчи Анвар ул-Ҳақ Какар билан музокараларда Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар ўзаро савдо кўрсаткичлари йил бошидан 75 фоизга ўсганини мамнуният билан қайд этдилар. Шу даврда юк ташиш ҳажми 50 фоизга ошди, 20 та янги қўшма корхона очилди.

Давлатимиз раҳбари Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товар айирбошлашни ошириш учун қулай шароитларни яратиш ишларини давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Тўқимачилик, фармацевтика, электротехника ва туризм соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан фикр алмашилди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини амалда илгари суриш борасида биргаликда ҳаракат қилиш муҳим экани қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ДЕМОКРАТИЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

*Ўзбекистон Президентининг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи ҳамда давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатлари ва Марказий Осиё мамлакатлари етакчиларининг “C5+1” форматидаги биринчи саммитидаги иштироки, Нью-Йоркда чет эл сиёсий арбоблари, етакчи халқаро молиявий ва бошқа тизимлар раҳбарлари билан бўлиб ўтган кўпгина учрашувлари янги Ўзбекистон фаол ташқи сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланади. Буларнинг барчаси хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари ўртасида “ўзбек тренди” деган номни олди.*

### Дунё нигоҳи

**Антонио АЛОНСО,**
**Сан-Пабло университети ҳузуридаги гуманитар тадқиқотлар институти ҳуқуқ факультетининг профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис:**

— Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясидаги нутқи экологик муаммолар ва ижтимоий масалаларни ҳал этишдан тортиб, таълим, гендер тенглик ва диний бағрикенгликка қадар долзарб ташаббусларга бой бўлди. Ўзбекистон раҳбарининг таклифлари фақат минтақавий ёки миллий даражада чекланиб қолмайди, балки глобал мазмун-моҳиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқидаги асосий жиҳатлар унинг сўнгги бир неча йил ичида халқаро платформаларда эълон қилган ташаббусларининг мантиқий давоми ҳисобланади, деб ўйлайман.

➡ 2

Янги Ўзбекистон стратегияси:

## БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА МУШТАРАКЛИК

*“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қабул қилиниши халқимиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеликлардан, десак, айни ҳақиқат. Шу йил 11 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тасдиқланди ҳамда уни 2023 йилда ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича қарор қабул қилинди.*

### Фикр

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бешта устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ўз аксини топган. Хусусан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини барпо этиш, “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш стратегиянинг асосий ғояларидир.

Стратегиянинг бешинчи устувор йўналиши — мамлакатни хавфсиз ва тинчликсевар давлатга айлантириш ишларининг изчиллигини таъминлаш бўйича 11 мақсад назарда тутилган. Бу эса Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакат атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик камарини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ташқи сиёсат давом эттирилади, деганидир.

Аёнки, ҳар бир давлат ташқи сиёсати муқаррар унинг миллий ва умуминсоний манфаатлари асосида қурилади. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон ўзининг қадимий давлатчилик анъаналарига асосланиб, ҳар қандай муаммога музокаралар, ҳиссиётлардан холи ва ақл-идрокка таянилган мулоқотлар орқали ечим топиш тарафдори бўлиб майдонга чиқди.

➡ 3

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

*Аввал хабар берилганидек, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги делегация амалий ташриф билан Жанубий Кореяда бўлиб турибди. Ташрифнинг навбатдаги куни Сенат Раиси Танзила Норбоева Корея Республикаси Бош вазири Хан Док Су билан учрашув ўтказди.*

### Мулоқот

Мулоқотда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ҳамкорлигининг кенг доираси, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамда ижтимоий соҳалардаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Айни пайтда Жанубий Корея билан биргаликда “яшил” энергетика, рақамли технологиялар, машинасозлик, кимё саноати, электротехника ва тўқимачилик тармоқлари, инфратузилмавий ривожланиш, шаҳарсозлик ва бошқа кўплаб йўналишларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жанубий Кореядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 7 млрд. доллардан ошиб, мамлакатимизда қарийб мингта қўшма корхоналар фаолият юритяпти.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, мамлакат Эксимбанки ва унинг фондлари билан самарали ҳамкорлик натижасида улар билан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг умумий портфели 3 млрд. доллардан зиёдни ташкил этгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат чоғида Иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) билан биргаликда тиббиёт ва фармацевтика кластерини ташкил қилиш, электроника маҳсулотлари ва яримўтказгичлар ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея кластерини яратиш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Корея Республикаси Бош вазири кун тартибининг барча долзарб йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган янги конструктив таклифларни фаол ишлаб чиқиш тарафдори эканини таъкидлади.

Учрашув якунлари бўйича қамров жиҳатдан кенгайиб бораётган икки томонлама мулоқотни амалий мазмун билан янада бойитишга келишиб олинди.

➡ 2

# ДЕМОКРАТИЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

←1 Ўзбекистон Президенти мунтазам равишда халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини инсоният учун жиддий бўлган хавф-хатар ва таҳдидларга қаратаётгани ҳолда, уларни бартараф этиш учун зудлик билан биргаликда ҳаракат



қилишга чақирмоқда. Бундай нуқтаи назар Ўзбекистон раҳбарининг глобал устуворликларни ҳамда замонавий дунё тартиботидаги турли тамойилларни теран англашдан далолат беради. Мен бу изчилликни "ўзбек тренди" деб атаган бўлар эдим.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган қатор ташаббусларни қайд этиш жоиз.

Диний бирга яшаш муаммоси бугунги кунда дунё кун тартиботида ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва жиддий масала ҳисобланади. Менимча, фақат мулоқот, яъни турли диндаги одамлар ўртасида очиқ муомала орқали умумий тил топишиш ва диний радикализм даражасини пасайтириш мумкин, деб ўйлайман. Шу боис 2024 йили Ўзбекистонда "Ислом — тинчлик ва эзгулик дини" мавзуида халқаро конференцияни ўтказиш ташаббусининг илгари сурилгани жуда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

2024 йили БМТ шафелигида "Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл" бутунжаҳон конференциясини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи Президент Шавкат Мирзиёевнинг кун тартибида ижтимоий масалалар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради. Унинг ижтимоий ривожланиш гуманитар ва технологик тараққиётнинг асосий кучи, яъни инсониятнинг умумбашарий тараққиёти эканлиги ҳақидаги тасаввурлари менда катта таассурот қолдирди. Сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистон бу борада улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Бу эса ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар бўлмаслигидан, бунинг учун фақат сиёсий ирода зарур эканлигидан яққол далолатдир.

**Рой Энтони РОДЖЕРС, Малайя университети ҳузуридаги Осиё ва Европа институти директорининг ўринбосари:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг умумий сиёсий мунозаралардаги нутқини диққат билан ўқиб чиқдим.

Дарҳақиқат, биз ҳозирги пайтда йирик давлатлар ўртасидаги ишонч инқирози, глобал хавфсизлик институтлари фаолиятидаги муаммоларнинг кучайиши ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан четга чиқиш шароитида жаҳоний муносабатлар тизимидаги туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқдамиз.

Шу боис мен Ўзбекистон раҳбарининг глобал аҳамиятга молик мавжуд масалаларга муросали ечим топиш, шунингдек,



ҳамкорликнинг амалий натижаларига эришиш учун дунё давлатлари ва мамлакатларининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги фикрларига тўла қўшиламан.

Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридаги нутқида халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда эришган муваффақиятлари билан таништирди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлати ва жамиятининг барча соҳасида, жумладан, иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим тизимини ўзгартириш ва бошқа кўплаб йўналишларда ғоят жиддий муваффақиятларни қўлга киритди.

Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига қарши курашиш, атроф-муҳитни ва биохилмахилликни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳолдир. Мамлакатда экологик муаммолар, хусусан, Орол денгизининг қуриши оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида мисли кўрилмаган мажмуавий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бугунги кунда дунёда Орол фожиаси билан боғлиқ салбий ўзгаришлар нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки жаҳон миқёсида барқарор ривожланиш учун жиддий хавф туғдираётгани ҳақидаги тасаввур тобора аёнлашмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясини қабул қилиш ташаббуси жуда муҳим ва долзарб, деб ҳисоблайман.

Ишончим комилки, ушбу ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланади.

**Айдин АСКЕРОВ, Латвиядаги Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлари халқаро институтининг президенти:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи ва умуман, Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга ташрифи ўзининг жўшқинлиги, кун тартибининг долзарблиги ва ҳар бир тадбир ҳамда учрашувнинг амалий натижаларга эришишига қаратилгани билан мени ҳайратлантирди.

Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқини жаҳон ҳамжамиятига янги Ўзбекистонни ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат сифатида барпо қилиш сиёсатини давом эттиришга қатъий содиқликдан далолат, деб билдим. Бугун Тошкент демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлидан дадил бормоқда.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги кенг кўламли шерикликни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш юзасидан эришилган келишув мамлакат ушбу тузилма билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга тайёр эканлигининг яна бир тасдиғидир.



Ўзбекистон раҳбарининг олий минбардан туриб БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилиш, унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқиш, "Марказий Осиё иқлим мулоқоти"ни жорий этиш бўйича ташаббусларни илгари сурди. БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик" резолюциясининг қабул қилиниши эса, биринчи навбатда, Ўзбекистон, ёш авлод фаровонлигининг ўсиши ва кучли давлатни қарор топтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёев ўз нутқида жаҳон ҳамжамиятига глобал хавфсизлик институтлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, геосиёсий қарама-қаршиликларга барҳам бериш ҳамда савдо, инвестиция ва инновациялар соҳасида эркин алмашув йўлидаги янги тўсиқларни бартараф этиш бўйича муҳим, аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўриш зарурлигини ҳам баён қилди.

**Номита ДАР, Сингапурдаги «Sun Media» ахборот агентлиги асосчиси ва бош муҳаррири, «Indiplomacy» журналининг бош муҳаррири:**

— Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг "C5+1" форматидаги биринчи саммитида тилга олинган муваффақиятлардан, шунингдек, халқаро ҳамкорликка содиқликдан катта таассурот олганимни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Умумий муаммо ва имкониятларга бағишланган бундай олий даражадаги учрашувлар бардавом минтақавий барқарорлик, фаровонлик ва ҳамкорлик учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол иштирокини кузатиш мен учун, айниқса, қувонарли бўлди. Чунки Ўзбекистоннинг АҚШ билан кўп томонлама ва икки томонлама мулоқотга содиқлиги катта эътиборга моликдир. "C5+1" форматининг тарихий ривожланиш йўналиши ва Президент Мирзиёевнинг 2018 йилда АҚШга ташрифи чоғида қўйилган мустаҳкам пойдевор Ўзбекистоннинг стратегик қарашларидан ҳамда ўзаро ҳамкорликка содиқлигидан далолат беради.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий алоқаларнинг доимий равишда кенгайиб бораётгани икки мамлакат учун фойдали бўлибгина қолмасдан,



бошқа давлатлар учун ҳам намуна сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда "General Electric", "Boeing" ва "Coca Cola" сингари глобал корпорацияларнинг муваффақиятлари мамлакатнинг қулай ишбилармонлик муҳитидан ҳамда унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувга бўлган интилишидан далолат беради.

Сингапур очиқ мулоқот, умумий қадриятлар, минтақавий ва глобал шерикликни мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар кучига қатъий ишонади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг икки томонлама асосда ҳам, "C5+1" формати доирасида ҳам мустаҳкамланиши Марказий Осиё ва ундан ташқарида янги фаровонлик ва тинчлик даврини очишига умид қиламиз.

**«Дунё» АА.**

# ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМАСИ

←1 Корея Республикаси — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси раиси биринчи ўринбосари Ким Чанг Кеон билан бўлиб ўтган мулоқотда сўнгги йилларда икки давлат ўртасида иқтисодий алмашинув ва сармоявий фаолият ривожланиб бораётгани, ҳамкорлик янги поғонага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Сармоявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Корея Республикасининг етакчи компанияларини Ўзбекистонга жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар натижасида Ўзбекистон маҳсулотларининг мазкур давлатга экспортини таъминлайдиган Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма транспорт-логистика компанияларини ташкил этиш, аудио ва видео техника, шунингдек, видеокузатув тизимлари ишлаб чиқариш ҳамда чиқинди полигонлари негизида қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасини яратиш каби лойиҳаларни кўриб чиқиш ва уларни тайёрлаш бўйича келишувга эришилди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти Чанг Вон Сам билан ўтказилган учрашувда биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар, икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга қаратилган янги имкониятлар муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Ўзбекистон KOICAнинг дунё бўйлаб бешта йирик ҳамкорларидан бири бўлиб, минтақадаги стратегик муҳим шерик ҳисобланади. Айни пайтда мазкур агентлик томонидан Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда 140 миллион доллардан ортиқ молиявий, техник ва грант ёрдами кўрсатилган.

Олий Мажлисда "электрон парламент" тизимини жорий этиш лойиҳасини амалга оширишда KOICA билан ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Глобал Яшил ўсиш институти (GGGI) томонидан KOICA билан биргаликда Орол денгизи минтақаси экотизимини яхшилаш бўйича умумий қиймати 5,9 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу маънода, Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси ва экологик муаммоларни ҳал этишдаги амалий муваффақиятларини инобатга олган ҳолда иқлим ўзгариши жараёнларини жиловлаш ва "яшил" технологиялар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон жуда тез суръатлар билан ривожланаётгани ва турли лойиҳаларни амалга ошириш зарурати юзага келаётгани алоҳида таъкидланиб, соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалик, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни илгари суриш орқали кенг қамровли ва кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

## Муносабат

# БАШАРИЯТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР ЧАҚИРИҚ

*Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи кенг жамоатчиликда — давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, экспертлар, халқаро ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари эътиборини тортиб, катта қизиқиш уйғотди. Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг нутқи башарият тақдирига дахлдор катта чақириқ бўлди.*

Унда дунёда айни пайтда халқаро муносабатлар тизимида фундаментал ўзгаришлар юз бераётгани, жаҳон миқёсида инқирозлар кузатилаётгани, глобал муаммолар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларида чекинишлар, геосиёсий қарама-қаршиликлар кучаяётгани, ҳар хил тўсиқлар вужудга келаётгани, бу кескинлик ортишига сабаб бўлаётгани таъкидлаб ўтилди. Ишончимиз комилки, нутқда олға сурилган таклифлар, келтирилган барча оғриқли муаммолар жамоатчиликни бефарқ қолдирмай, барчани огоҳликка, ҳамжиҳатликка чорлади.

Янги Ўзбекистон ҳар доим ўз позициясида маҳкам туриб, халқаро миқёсдаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш, ҳамкорлик қилишга ҳар доим тайёр эканини билдириб, барча халқаро мажбуриятларни тўла ва қатъий бажариб келаётган тинчликсевар давлатдир. Ҳар доим ташаббусни қўлга олиб, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келяпти. Бу юртимиз ташқи сиёсати стратегиясида ҳам ўз аксини топган.

Юртбошимиз анжуманда мамлакатимизда кечаётган туб ислоҳотлар, ўзгаришлар, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси, "Инсон қадри ва манфаатлари учун" деган эзгу ғоя остида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганига ҳам эътибор қаратди. Бу, албатта, дунё жамоатчилигида катта таассурот қолдирди.

Давлатимиз раҳбари нутқидан келиб чиқиб, бугунимиз ва келажагимиз билан боғлиқ баъзи бир қарашлар, фикр-мулоҳазалар ва таҳлилларимни ўзим меҳнат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинати билан боғлаб билдирмоқчиман.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида кон-металлургия саноати корхоналари олдига катта вазифалар қўйилди. Жумладан, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда юқори даромадли маҳсулот учун зарур бўлган мис ишлаб чиқариш 3,5 баробар, олтин 1,5 марта, кумуш 3 карра, уран 3 баробар ошади. Бунинг учун биз етарли имкониятлар, захираларга эгамиз. Айни пайтда бу марраларни кўзлаб ишларни бошлаб юборганмиз.

Яна бир мисол. Президентимиз ўз нутқида БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори" борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу ҳам дунё ва юртимиз ҳаётидаги энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратиш, халқимиз ижтимоий ҳимояси йўлида кенг қамровли ишлар бошлаб юборилганига анча бўлди. Соҳаларда қўлга киритилаётган дастлабки натижалар ҳам кўзга ташланмоқда. Буни узоққа бормай, биргина комбинат мисолида олиб қарайдиган бўлсак, кейинги етти йилда минглаб ишсизлар, битирувчи ёшлар бандлиги таъминлангани фикримизга мисолдир.

Таъкидлаш жоизки, инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш стратегик вазифаларимиздан биридир. Кўп йиллик тажрибага эга соҳа вакили сифатида айтадиган бўлсам, ёшларга бўлган эътибор ҳозиргидек юқори ўринга чиққан эмас. Ўз кучи, интилиши билан илм чўққиларини эгаллаш, юртимиз ва чет элдаги нуфузли олийгоҳларда ўқиш, касбли бўлиш, меҳнат орқали яхши лавозимларда ишлаш учун имкониятлар яратилган.

Бугун улар нафақат ишли бўляпти, балки креатив фикрлайдиган ёшларга замонавий корхоналарни, технологияларни бошқаришни ишониб топширяпмиз. Айни пайтда 7 та гидрометаллургия заводи раҳбарларининг ўртача ёши 30 — 35 атрофида. Бу комбинат тақдири, келажаги ишончли қўлларда эканлигидан далолат. Ёшларни тарбиялаш бундан кейин ҳам давлатимизнинг бевосита ғамхўрлиги остидаги бош вазифамиз бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбари яна бир долзарб, ташвишли муаммога тўхталиб ўтди. Жумладан, ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилаётгани, сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаяётганини айтиб ўтди. Бу — бор гап. Орол фожиаси, иқлим ўзгариши, сув танқислигини ва юзага келган бошқа муаммоларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Ҳозирдан таъсирчан чоралар кўрмасак, эртага кеч бўлади. Президентимизнинг шу мавзудаги теран мулоҳазаси, билдирган таклифлари дунё ҳамжамияти томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг нуфузли минбарда янграган нутқи тарихий воқелик бўлди. Президентимизнинг сермазмун чиқиши орқали дунё яна бир карра янги Ўзбекистонни кашф этди.

**Қувондиқ САНАҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ИШОНЧ, БИРДАМЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

## БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

*Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни АҚШга ташрифи доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган тарихий нутқини Ўзбекистон халқи катта қизиқиш билан кутиб олди. Сессияда давлатимиз раҳбари кун тартибидаги глобал ва минтақавий аҳамиятга дахлдор энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Ушбу ҳаётий масалалар айни пайтда кенг жамоатчилик, шу жумладан, парламент аъзолари томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.*

*Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари фикрлари билан қизиқдик.*

## Акс садо

### Иқлим таҳдидларига қарши аниқ таклифлар

**Мухторжон ҲОЖИМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Президентимиз нутқини катта қизиқиш билан тингладик. Ушбу тарихий нутқда бугунги куннинг ўта долзарб муаммоси бўлган экологик вазиятга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилаётгани ва сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучайиб бораётганига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Орол денгизи фожиасига қарши курашни давом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига айланаётгани, ушбу глобал муаммо, яъни Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилиб келаётганини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо қилинди. Бу саъй-ҳаракатларни давом эттиришда халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим.

Ўрта Осиё минтақасида кейинги 30 йилда ҳаво ҳарорати бир ярим даражага кўтарилди ва бу дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўп. Натижада музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қоладиган бўлса, яқин йигирма йилда минтақадаги икки йирик дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши тахмин қилиняпти. Бу эса жон бошига сув билан таъминланиш даражасини 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг эса 40 фоизга камайишига олиб келиши мумкин.

Мавжуд вазиятда ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаса, ушбу муаммолар оқибати минтақадаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказади. Ушбу вазиятда Президентимиз, Ўзбекистон БМТ Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлашини, Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — сув ресурслари" механизмини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдори эканлигини билдирди.

Албатта, сув муаммоси озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таъсир этади. Шу маънода, бугун ушбу муаммони биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш олдимизда турган энг муҳим вазифа эканлигини ҳар биримиз ҳис қилиб турибмиз.

Экологик муаммоларни бартараф этиш борасида Ўзбекистон минтақада қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бундай шериклик минтақа давлатлари манфаатларига бирдек мос бўлиб, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган. Бу борада "Марказий Осиё иқлим мулоқоти"ни жорий этиш таклифи илгари сурилгани узоқни ўйлаб қилинган муҳим ташаббус, деб биламиз.

### Хотин-қизлар манфаатлари — доимий эътиборда

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ушбу долзарб масалага БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида алоҳида эътибор қаратиб, миллий сиёсатимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад — оилалар мустаҳкамлигини, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат эканини қайд этди.

Дарҳақиқат, бугун опа-сингилларимизга кўрсатилаётган эътибор натижасида аёлларнинг жамиятда, оиладаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина гендер тенгликка эришиш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши биринчи марта 35 фоизга етди. Давлат хизматидаги мақомларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланмоқда. Парламентда ҳам аёллар сони аввалги йиллардагига нисбатан кескин ошгани уларга давлат ва жамият тақдирига дахлдор қарорларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида бевосита қатнашишлари учун кенг йўл очди. Айни пайтда биз мана шундай вазифани масъулият билан бажармоқдамиз.

Ҳозирги вақтда қизларга ўз имконият ва салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароит яратилаётгани диққатга сазовор. Бу бежиз эмас. Чунки қиз бола олий маълумотли, билимли бўлса келгусида фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласига масъулият билан ёндашади. Юртнинг келажаги эса мана шундай дунёқарашга эга оналар томонидан яратилади. Бу бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили олийгоҳларга қабул қилинган талабаларнинг 49 фоизини қизлар ташкил этди. Президентимизнинг тегишли қарорига кўра олий ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълимда таҳсил олувчи хотин-қизларга 7 йилга 14 фоизлик таълим кредитлари ажратилиши, улар асосий қарзни ўқишни тамомлагач, 7 йил давомида тўлаши белгиланди. Бундан ташқари, магистратурада тўлов-шартнома асосида ўқиётган хотин-қизларнинг шартнома суммасини Давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби тасдиқланди. Албатта, буларнинг барчаси хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг юксак намунаси, десак, муболаға бўлмайди.

Президентимиз ўз нутқида келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказиш таклифи билан чиқди. Албатта, бу "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — Хотин-қизлар" тузилмаси билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимизни намоён этади.

### Ёшлар масаласи яна бир бор юксак минбарда янгради

**Умида РАҲМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Ўзбекистон учун ёшлар масаласи ҳар доим долзарб бўлиб келган. Зеро, давлатнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши мамлакатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ.

Кейинги йилларда юртимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам мустаҳкам ҳуқуқий база яратилиб, бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам фикримизнинг яққол ифодасидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳрлаб қўйилгани бу борадаги ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида ёшлар масаласига алоҳида тўхталгани, жумладан, БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш таклифини илгари сургани миллионлаб ёшларни тўлқинлантириб, фаолликка чорлагани рост.

Ушбу тарихий нутқда "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030" дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги айтилдики, бу келгусида ҳам ёшлар масаласига бўлган эътибор янада ошишидан далолат беради.

Шубҳасиз, Марказий Осиё ёшларини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳнинг ташкил этилиши БМТнинг асосий эътиборини ёшлар масаласига қаратиш билан бирга, айни масала юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш, ҳамкорликни кучайтириш ва эзгу ғоялар йўлида бирлашишга имкон беради.

Аслида, бу борада бизда аллақачон ишлар бошлаб юборилган. Ёшларни олий таълимга жалб қилиш, уларни касб-ҳунарга мактаб давридаёқ ўргатиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик қилишлари учун имкон яратиш, сиёсатдаги ўрни ва фаоллигини ошириш бўйича охирги етти йилда салмоқли ишлар бажарилди.

Бугун олий таълим олиш истагида бўлган ёшларда танлов имконияти юқори, бир пайтнинг ўзида бир нечта олийгоҳга ҳужжат топшириши, давлат ёки нодавлат таълим муассасаларида ўқиши, имтиёзли кредит олиши, кам таъминланган ёки ногиронлиги бор болаларнинг шартнома пуллари давлат томонидан тўлаб берилаётгани янги Ўзбекистонда ҳар бир йигит-қиз давлатнинг доимий эътиборида эканлигидан далолат эмасми?

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон — кенг имкониятлар мамлакати. Юртимизда йигит-қизларнинг сифатли таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши ва орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун барча имконият бор. Зотан, бу юртда ёшларнинг, болаларнинг бегонаси йўқ.

**«Халқ сўзи».**

Қонунчилик палатасида

# ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Н. Исмоилов раислигида "Таълим тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди.*



Ишчи гуруҳ аъзолари сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, жумладан, бу йўналишдаги хизматлар сифатини янада яхшилаш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, мактабгача ва олий таълим қамровини янада кенгайтиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, юзлаб замонавий билим масканлари барпо этилгани, Президент мактаблари, ижод мактабларининг ҳаётимизга кириб келгани, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғининг кенгайгани, ўқитувчи ва мураббийларнинг шароитларини яхшилашга қаратилган тизимли ишлар ҳам эътироф этилди.

Йиғилишда "Таълим тўғрисида"-ги Қонунни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарори қабул қилинган санадан, яъни шу йил 12 сентябрдан ҳозирги кунга қадар амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти раислигида 2023 йилнинг 28 август куни мактабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган муҳим вазифалар, ғоялар, халқаро тажрибани ўрганиш натижалари, қисқача айтганда, амалдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонунда ифодасини топиши керак бўлган янги нормалар борасида фикрлар алмашилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари амалдаги қонунчиликда таълимнинг бошқарув тизимига оид таклифларни, хусусан, йил бошида ўтказилган маъмурий ислоҳотлар доирасидаги таълимга оид ўзгаришларни қонунда акс эттириш лозимлигини урғуладилар.

Йиғилиш якунида билдирилган фикрлар ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, яқин кунларда "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг янги концепциясини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛГАН ҲУЖЖАТ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

Сенат қўмитасида

Муҳокамада сенаторлар, экспертлар, мутахассислар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияси раислари, Ёшлар парламенти аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўмита экспертлари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан таъкидланишича, истиқлолнинг энг улкан туҳфаларидан бири, бу ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди — ислом динини ўрганиш, аждодларимизнинг бой маънавий меросини тадқиқ қилиш, дин арконларини эмин-эркин адо этиш имкониятини берганидир.

Бироқ сўнгги пайтларда мамлакатимизда диний соҳа вакиллари томонидан қонуний никоҳ бўлмаса ҳам никоҳ тузишга доир диний маросимлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу ўз-ўзидан ижтимоий муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, айрим блогерлар томонидан ижтимоий тармоқларда дунёвий ва диний ҳаёт тарзини олиб борувчи жамият вакиллари орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, фақат ўзининг қарашларини ифодаловчи ва диний адоватни қўзғатишга қаратилган чиқишлар кўпайиб бораётгани қайд этилди.

Шу боис мутасадди идоралар томонидан Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи ва маданий анъаналарини инобатга олган ҳолда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ишлаб чиқилган.

Хусусан, қонунда миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб бир тоифа фуқароларни бошқа тоифа фуқаролардан устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилганлик, никоҳи қонунда белгиланган тартибда қайд этилмаган шахслар ўртасида никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик, кўп хотинлиликни ҳамда жинс бўйича камситишни тарғиб қилганлик учун тегишли жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини очиқдан-очиқ инкор этганлик ва фуқароларни миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб камситганлик ҳамда диний ташкилот томонидан ўзининг уставида назарда тутилмаган фаолият билан шуғулланганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланяпти.

Қонун билан фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юрганлик учун белгиланган маъмурий жавобгарлик бекор қилинмоқда.

Муҳокамалар жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши натижасида жамиятда миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашга, дунёвий қадриятларни сақлаб қолишга ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга эришилиши айтиб ўтилди.

Йиғилиш якунида мазкур қонун бўйича экспертлар томонидан тайёрланган тавсиялар Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасига тақдим қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚЎШМА ҚАРОР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ?

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ парламент палаталарининг "Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, баҳорги экин мавсумини самарали ташкил этиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида"ги қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятларда аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, дала четларидан унумли фойдаланиш ҳамда хонадонларда тўқсонбости экинларни экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.*

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, сенатор Бухоро вилоятининг Бухоро туманида "Ўктам Иброҳим тўқли" фермер хўжалиги экин майдонини кўздан кечирди.

Қайд этилишича, фермер хўжалиги умумий ер майдони 85 гектар бўлиб, шундан 28 гектарида ғалла, 10 гектарда чорва озуқаси, 40 гектарда пахта ҳамда 7 гектар ерда сабзавотчилик билан шуғулланиб келинмоқда. Бундан ташқари, пахта ва ғалла далалари атрофига ошқовоқ, ловия, шолғом ва тут кўчатлари экилган, узумчиликни йўлга қўйиш мақсадида шпаллерлар ўрнатилган. Ғалладан бўшаган 10 гектар майдонда такрорий экинлар етиштирилмоқда.

Фермер хўжалиги маҳсулотларни экспорт қилиш билан бирга, ички бозорларни ҳам таъминлаб, бозорлардаги нарх-наволарнинг барқарор сақланишига ўз ҳиссасини қўшяпти.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ "Янги турмуш" МФЙ ҳудудида жойлашган Ипакчи қишлоғида бўлиб, кўчатчилик ишларини ўрганди.

Маҳаллада ўтган йили кеч куздан иқлим шароитига мос 1 миллион тупга яқин тут ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари етиштирилган.

Биргина Ипакчи қишлоғида истиқомат қилувчи Раҳмон ота Хўжамуродов айнан шу кеча-кундузда ҳам атиги 4,5 сотих томорқа майдонида 15 минг туп ниҳолни етиштириб, тутчилик хўжаликларига етказиб бермоқда.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари дала четларига тарвуз, ошқовоқ ва сабзавот экинлари экиб, ердан самарали фойдаланиб келаётган деҳқонлар билан учрашиб, фикр-мулоҳаза алмашди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича маълумотлар, экспорт салоҳиятини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантириш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Ҳудудлардаги ўрганишлар якунларини қўмита мажлисида муҳокама қилиш режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

## Янги Ўзбекистон стратегияси:

# БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА МУШТАРАКЛИК



1

Шу маънода айтганда, 2017 йилдан бошлаб ўзбек дипломатиясида сифат жиҳатдан бутунлай янги саҳифа очилиб, мамлакатимизнинг халқаро майдонда олиб бораётган фаолияти янги босқичга кўтарилди. Бунда асосий эътибор яқин қўшниларимиз — Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликка қаратилди.

Маълумки, чорак асрдан кўпроқ вақт давомида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бир қатор муаммолар вужудга келган эди. Сув-энергетика ресурслари ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация қилиш ва чегара пунктларини кесиб ўтиш кабилар шулар жумласидан.

Танланган янги ташқи сиёсат йўналишига мос равишда, Ўзбекистон етакчиси сўнгги етти йил мобайнида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан минтақавий хавфсизлик, тинчлик-осойишталик ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётга оид долзарб масалаларни биргаликда ҳал этишга қаратилган конструктив мулоқот олиб борди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан минтақа мамлакатлари етакчиларининг юқори даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Уларнинг сиёсий мулоқоти доимий тус олди. Айни жараёнда Марказий Осиё мамлакатлари учун хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, сайёҳлик, маданият, соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро масалалар бўйича муҳим қўшма қарорлар қабул қилинди.

Хуллас, тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг минтақадаги мамлакатлар билан муносабатларида катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистоннинг ҳар бир қўшни давлат билан муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқиши ва ҳамкорликни ривожлантириши минтақада низоли ҳолатларни деярли йўққа чиқарди, унинг инвестициявий жозибадорлигини кучайтиришга ёрдам берди. Тошкент биргаликда сувдан фойдаланиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва экологик таҳдидларга қарши курашиш, жумладан, Оролбўйи муаммоларини ҳал этишда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, минтақага инновацион технологиялар ва инвестицияларни жалб қилиш, "яшил" иқтисодиёт тамойилларини татбиқ этиш каби соҳаларда минтақавий ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашиш майдонига айланди.

Таҳлилчилар қайд этишича, Ўзбекистон раҳбариятининг фаол ва конструктив минтақавий сиёсати қўшни мамлакатлар билан ҳамкор давлатлар томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу омил минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат олиб борар экан, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини кучайтириш бундан буён ҳам асосий мақсад бўлиши аён ҳақиқат. Бунда минтақанинг ажралмас қисми, қўшничилигимизнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаётни тиклаш, бу мамлакатда иқтисодий ва гуманитар инқирозга йўл қўймаслик доимий эътибордаги масалалардан бўлиши, шубҳасиз. Зеро, халқимизнинг "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақоли бежиз айтилмаган.

Бу борада гап кетганда, қўшни мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, имкониятлари ва салоҳияти хусусида фикр билдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биламизки, тарихий тақдир ва глобал манфаатлар тўқнашуви афғон халқининг кейинги салкам ярим асрлик тараққиётига кучли зарба берди. Мамлакатни инқирозга учратиб, жар ёқасига олиб келди — мавжуд ижтимоий омиллар танқислиги ички можаролар кучайиб кетишига сабаб бўлди. Айни пайтда мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юқори. Аҳолининг 35 фоизи фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Ичимлик суви етишмаслиги, ёқилғи энергетикаси танқислиги, таълим ва тиббий хизмат даражаси қониқарсизлиги, хавфсизлик кафолатланмагани жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-руҳий инқирозни тобора чуқурлаштирмоқда.

Шунга қарамай, Афғонистон жаҳон ҳамжамиятида геосиёсий, иқтисодий ва маданий нуқтаи назардан кенг имкониятларини сақлаб қолмоқда. Жумладан, у собиқ советлар маконини Хитой ва Ҳинд океанига қадар бўлган улкан ҳудуд билан туташтириб турувчи халқаро транзит ва иқтисодий ҳамкорлик ролини бажаришда муҳим таянч вазифасини бажарган.

Шу маънода, Ўзбекистон Афғонистон билан биргаликда йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдор. Бунга мисол сифатида 2021 йил февраль ойида имзоланган Пешовар (Покистон)га темир йўл қурилишининг "Йўл харитаси" белгилаб олинганини келтириш мумкин. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига Ҳинд океани портларига чиқиш имконини беради. Шунингдек, мазкур лойиҳа Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий ва Евроосиё темир йўл тизимлари билан боғлайди ва бу билан Марказий Осиёнинг транзит салоҳияти анча ошади.

Бундан ташқари, трансафғон темир йўлининг қурилиши минтақавий хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади. Афғонистоннинг шимолий ва шарқий ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг яхшиланиши ушбу давлатнинг қўшни мамлакатлар билан хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Қўни-қўшни ва дўстларга кўмаклашиш, меҳр-оқибат кўрсатиш, ташвишларига шерик, ҳамдард бўлиш миллатимизга хос юксак фазилат. Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати Афғонистон билан алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам яққол намоён бўлаётгани жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида. Бугунги кунда ҳам мамлакатимиз афғон заминида тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришда фаол иштирок этаётир. Айни чоғда Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга жалб қилишга ёрдам берадиган муҳим иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Албатта, Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари қўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқ. Аммо бу заминдаги тинчлик жараёни узоқ вақт давомида боши берк кўчада қолиб кетганини кўпчилик яхши билади. Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан ушбу ўткир муаммо халқаро ҳамжамият кун тартибига қайта киритилди. Зотан, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолди.

Президент Шавкат Мирзиёев афғон муаммосига алоҳида эътибор берар экан, минтақавий можаролар ечимини топиш, давлатлараро муносабатларда ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, олис истиқболни кўзлаган умуминсоний манфаатлар атрофида бирлашиш ғоясини илгари сурди. Афғонистон муаммосини нафақат унинг ички муаммоси, балки Марказий Осиё ва умуман, Осиё қитъаси, қолаверса, умуминсоний масала сифатида жаҳон минбарига олиб чиқди. Айни чоғда Афғонистонни турли минтақавий интеграцион лойиҳаларга қўшиш ташаббусини бир неча бор илгари сурди.

Аёнки, тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари шу йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида таъкидлаганидек, "Бизга тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очиқ Афғонистон керак".

Афғонистон геосиёсий нуқтаи назардан Марказий ва Жанубий Осиё давлатларини бир-бирига боғлаб турадиган, жуда катта транспорт коммуникацияси имкониятига эга макон. Биргина беқарорлик бир неча ўнлаб давлатларнинг иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларига, минтақа тараққиётига салбий таъсир этаётгани ҳам бор гап.

Президентимизнинг Афғонистонга доир келишувчилик ва яқин қўшничилик сиёсати ўзининг сиёсий ва тарихий моҳияти билан жаҳон ҳамжамиятини, давлат ва сиёсат арбобларини, халқаро ташкилотларни афғон муаммосига инсонпарварлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлишга чақиради. Шу жиҳатдан, Афғонистон хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий тараққиётига нафақат ички муаммо, балки минтақавий, қолаверса, инсоният тақдири ва истиқболига дахлдор масала сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир.



Мухтасар айтганда, Марказий Осиё — бу, ҳақиқатан ҳам, ноёб имкониятлар ва ҳали ишга солинмаган улкан салоҳиятга эга бўлган минтақадир. Унда мустаҳкам тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш — бизнинг тўлиқ эриша оладиган муштарак вазифамиздир.

Ҳақиқат шуки, Ўзбекистон меҳр-оқибатни, эзгуликни, бунёдкорликни ҳурмат қилувчи мамлакат. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг назарий асоси ҳам давлатимизнинг мана шу устувор сиёсатини ифода этади. Президентимиз илгари сураётган ташаббуслар эса Афғонистонда бир неча минглаб иш ўринлари очилишига, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳал қилинишига, энг муҳими, буюк цивилизацияларга гувоҳ бу заминда узоқ кутилган тинчлик ўрнатилиши гарови бўлади, десак, муболаға эмас.

Ўз навбатида, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида илгари сурилган ғоялар, хусусан, бешинчи устувор йўналиш — "хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш — истак ва интилишларимиз, ўзимизга бўлган ишонч бутун Марказий Осиёни биргаликда ривожлантириш, халқларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор.**

Ўрганиш

# МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Унда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳудудлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш якунлари муҳокама этилди.*

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда "инсон — жамият — давлат" тамойили, ижтимоий давлат қуриш масаласи мустаҳкамланган, унда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари уч баробар кўпайтирилган. Бугун Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар янгиланган Конституциямизда белгиланган "Инсон қадри учун" деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, инсон манфаатларини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, шу жумладан, фуқаролар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқларни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари қоидалари ҳамда халқаро стандартлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиб, амалиётга жорий этиляпти.

Қўшма йиғилишда фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган меҳнатга доир ҳуқуқларини муҳофаза этиш, соҳага оид қонунчиликка амал қилинишини таъминлаш, қулай меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини кучайтиришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, ташкилот ва хўжалик бошқаруви органларида ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигининг таъминланиши, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши, ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган талабларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, депутатлар Нишон туманидаги Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси фаолияти билан танишди, шунингдек, ишчи-ходимлар билан мулоқотда бўлди.

Жойларда ўтказилган учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, олис ҳудудларда ёки алоҳида табиий шароитларга эга бўлган ҳудудларда (вахта усулида) меҳнат қилаётган, шунингдек, ноқулай шароитларда иш билан шуғулланаётган фуқаролар меҳнатини рағбатлантириш устувор вазифалардан бири эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда Сув хўжалиги вазирлигининг йирик сув насос станцияларида ишлаётган фуқароларнинг қонун ҳужжатларида, шу жумладан, Меҳнат кодексида, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунда кафолатланган адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти ҳам эшитилди.

Депутатлар томонидан мураккаб меҳнат шароитларида фаолият юритаётган фуқаролар меҳнатини моддий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи ва устамаларнинг тўланишини таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қонун билан мустаҳкамланган ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан мутасадди идоралар томонидан тегишли чоралар кўриб борилиши лозимлиги қайд этилди.

Қўшма йиғилишда йирик ишлаб чиқариш объектларида фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинган қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

*Зарафшон шаҳрида ўтган йилнинг август ойида фаолияти йўлга қўйилган “Умид” реабилитацияга эга давлат кўп тармоқли мактабгача таълим ташкилоти “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қурилган бўлиб, унда ўсишида турли нуқсонлари бўлган, шунингдек, реабилитация ва соғломлаштиришга муҳтож болалар ўқитилиб, тенгқурлари даврасига интеграция қилинади.*

## Ғамхўрлик



Ташкилот махсус жиҳозлар, тиббиёт ускуналари билан таъминланган. Машғулотлар белгиланган дастур асосида гуруҳларга бўлинган ҳолда олиб борилади. Учта блокдан иборат икки қаватли бинога лифтлар ўрнатилган. МТТда футбол, югуриш ва сунъий қопламали болалар майдончалари, бассейн мавжуд.

— Муассасамиз 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун мактабгача таълим ташкилоти, 7 ёшдан 16 ёшгача болалар учун эса нуқсонларни даволаш, яъни реабилитация маскани ҳисобланади, — дейди МТТ раҳбари Дилафрўз Файзиева. — Ўтган бир йил ичида муассасамизда 22 нафар бола соғломлаштирилди. Уларнинг 7 нафари умумтаълим мактаблари, қолганлари эса умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларига ўтказилди.

“Умид” МТТда бугун эшитиш, кўриш, сўзлаш ва ҳаракатланишда нуқсони бор ҳамда ақлий салоҳиятда тенгдошларидан ортда қолган 58 нафар болага таълим-тарбия берилиб, соғломлаштирилмоқда. Улар ўн ярим соат мобайнида муассаса муҳитида яшаб, дефектолог, психолог, психоневролог, окулист, сурдо педагог, сузиш ҳамда жисмоний даволаш бўйича йўриқчилар ёрдамида соғломлаштириш, болалар билан мулоқотда бўлиш муҳитига мослаштириш жараёнларини ўтайди.

— Муассасамизга келган ҳар бир бола, аввало, мослашув гуруҳига қабул қилинади, — дейди ташкилот психологи Насиба Ёдгорова. — Чунки оиладаги ёпиқ муҳитда, бир хил кун тартиби, бир хил турмуш шароитида, фақат оила аъзолариниnггина ёрдамида яшаган ва ҳаракат қилган бола бегона чеҳралар, ёт муҳитга ўрганиши зарур. Бундай вазиятда болаларда мажбурий муолажа ва соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш қийин, қолаверса, уларни стресс ҳолатига солиб қўйиш саломатлиги ва руҳиятига акс таъсир этиши эҳтимоли юқорироқ. Шу сабаб мослашиш даврида ҳар бир болага нуқсонидан келиб чиқиб, алоҳида муносабат ва ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Мослашиш жараёнида бола ўзини шахс сифатида ҳис этиши, жамоага бирлашишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаганимиздек, МТТда 16 ёшгача бўлган болалар ҳам нуқсонларни даволаш курсларини ўташади. Улар ҳар куни 2-3 соат давомида маскандаги реабилитация хизматларидан фойдаланиб, соғломлаштирилади. Бугун муассаса жамоаси саъй-ҳаракатлари натижаси саломатлигида ижобий ўзгариш бўлган, ақлий ривожланишда тенгдошларига етиб олган, улар қатори мактабларда ўқий бошлаган 22 нафар боланинг ота-онаси қувончида ҳам намоён.

— Фарзандимнинг тақдирини ўйлаб, кечалари уйқум қочиб кетарди, — дейди муассасада фарзанди соғломлаштирилаётган оналардан бири Нигора Бойназарова. — Тенгдошлари қатори ўйнаб-кулиб юришдан мосуво бўлиб, болалик қувончларидан бебаҳра улғаяётгани она сифатида бир мени эмас, барча оиламиз аъзоларини ташвишга соларди. Мана, ҳаммаси аста-секин барҳам топмоқда. Фарзандимнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришни кўриб, бугун бир қувончимизга ўн қувонч қўшиляпти.

Юртимизда инсон қадри улуғ. Бугун ёши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир инсон шу азиз юрт фарзанди сифатида яратилган имкониятдан фойдаланиб, давлатнинг меҳр ва саховати, ғамхўрлигини ҳис қилиб яшашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Эътироф

# ЁШ ОЛИМНИНГ ИЛК МОНОГРАФИК ТАДҚИҚОТИ ТЎҚҚИЗ ТИЛДА НАШР ЭТИЛДИ

*Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари ҳамда халқаро молия бозорларига интеграциялашувнинг чуқурлашуви салоҳиятли инвестор ва мулкдорларни ишончли, шаффоф ахборотлар билан таъминлашни тақозо этади. Шу мақсадда халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисобот тузиш ҳамда таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнининг кучайиши акциядорлик жамиятлари ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг халқаро биржалар листингига киритилиши, молия институтлари, салоҳиятли инвесторлар билан ҳамкорлик халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тузиш ва таҳлилни талаб қилади.

Яқинда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро ҳамкорлик департаменти хорижий талабалар ва алмашинув дастурлари бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Абдулла Акрамовнинг “Preparation of financial reporting based on international standards: improving accounting and analysis methods” (Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот тузиш: ҳисоб ва таҳлил усулларини такомиллаштириш) номли монографияси Буюк Британиянинг “GlobeEdit” нашриётида инглиз тилида чоп этилган эди.



Қувонарлиси, ушбу монография жаҳоннинг яна 8 та нуфузли нашриёти томонидан немис, француз, испан, итальян, рус, португал, поляк ва дан тилларига таржима қилиниб, нашр этилди. Эндиликда мазкур ўқув қўлланма дунёнинг 200 миллион аҳолиси томонидан ўқилаётгани том маънодаги хушхабар бўлди, десак, муболаға эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилган.

Бу вазифалар ижросини таъминлашда янги Ўзбекистонда молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисаларни реверсив тарзда акс эттириш, халқаро ҳисоблаш тамойили асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш, вертикал баланс-нетто шакли ҳамда консолидациялашган ҳисоботнинг ишчи трансформация жадвалларини татбиқ этиш, молиявий ҳисоботнинг муҳим элементларининг қадрсизланиши бўйича резерв ташкил қилиш, соф активлар қийматига таъсир этувчи омиллар таҳлили, хорижий инвестицияларни жалб қилишда молиявий ҳисобот ахборотларидан фойдаланиш йўналишлари билан боғлиқ масалаларга бағишланган монографик тадқиқот иши муҳим аҳамият касб этади.

Монографиянинг илмий янгилиги шундаки, молиявий ҳисобот тузилган санадан кейинги ҳодисалар таъсирида бухгалтерия ҳисобида содир бўладиган муомалаларни акс эттириш учун 6610 — “Оддий акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар”, 6620 — “Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар”, 8540 — “Имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар резерви” ишчи ҳисобларини очиш таклиф этилган.

Шу билан бирга, “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот”ни вертикал баланс-нетто шаклида тузиш мақсадида “Ишчи трансформация жадвали”га 090 — “Асосий капиталга инвестициялар”, 271 — “Кечиктирилган солиқ активлари”, 450 — “Жамғарилган зарарлар” сатрларини киритиш таклиф этилган.

Шунингдек, хусусий капитални молиявий ҳисобот элементи сифатида халқаро стандартларга трансформация қилиш мақсадида 8300 — “Акциядорлик (пай) капитали”, 8400 — “Эмиссион (даромад) капитали” ишчи ҳисобларини киритиш зарурлиги асосланган ва уларнинг ўзаро корреспонденцияси таклиф қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган кимё саноати корхоналарининг соф активлари қийматига банк кредити ва қарзлар фоизи, инфляция, солиқ юки ва баҳо каби омиллар таъсирини бошқариш мақсадида 2025 йилгача бўлган прогноз ишлаб чиқилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, ёш олимнинг монографиясини бугунги кунда “OmniScriptum” нашриёт уйи ва “VLC Publishing ОЬ” компаниясининг савдо маркаси остида “MoreBooks” онлайн савдо тармоғи орқали халқаро матбаа бозорида 80 мингта китоб савдо шохобчаси ҳамда 3 мингдан ортиқ интернет-дўконларидан харид қилиш мумкин.

Ёш иқтисодчи олим Абдулла Акрамовга жаҳоннинг нуфузли нашриёт уйлари томонидан чоп этилган мазкур монография хариди бўйича 30 фоизлик чегирма ҳам тақдим қилинганлиги унинг меҳнатининг муносиб эътирофи, деб қараш лозим. Бу имтиёз ёш олимга келгусида ўз стартап лойиҳаларини шакллантириш учун пай маблағи бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, халқаро даражада эътироф этилган монографик тадқиқот мамлакатимиз олимлари томонидан тайёрланган илмий қўлланмаларга дунё аҳли ҳам қизиқиш билдираётганидан далолат беради.

**Азамат МАҲМУДОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари доктори.**

## Туризм

# СИЁБЧА КОЛЛЕКТОРИ ҲУДУДИ САЙЁҲЛИК МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

*Самарқанд шаҳрини кесиб ўтадиган Сиёбча коллектори ҳудудида маҳаллий аҳоли ва сайёҳларга шаҳар шовқинидан холи мароқли ҳордиқ чиқариши учун шароит яратишга киришилди.*

Салкам 16 километрлик узунликдаги мазкур коллекторга туташ манзиллар ҳозир анча қаровсиз ҳолда қолиб, чиқиндиларга тўла ҳудудга айланган эди. Биринчи навбатда, бу масканни тозалаш, аҳолининг дам олиши учун шароит яратиш, қолаверса, одамлар бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Тайёрланган лойиҳаларга кўра, коллекторнинг икки қирғоғида енгил конструкциялар асосида дам олиш масканлари, боғлар барпо этилади, миллий таомлар ошхонаси ҳамда ҳунармандчилик устахоналари жойлаштирилади. Кўплаб манзарали ва мевали дарахтлар экилади. Коллектор ёқалаб пиёда ҳамда велосипедда ҳаракатланиш учун қулай йўлаклар ва туннеллар барпо этилади, инфратузилма яхшиланади.

— Бу ерда ободонлаштириладиган ҳудуднинг умумий узунлиги 18 километр. Шундан 2 километри ободонлаштирилган. Қолган 16 километрида белгиланган ишлар амалга ошириладди, — дейди Самарқанд шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Шуҳрат Жумаев. — Бу Самарқанд туманининг Қўштамғали маҳалласидан бошланиб, Қайнама маҳалласигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олади. Тўртта асосий кўчада пиёдалар йўлаги қилинади. Шунингдек, одамлар кўчани кесиб ўтмаслиги учун 4 та туннел ҳам қурилади.

Сиёбча коллектори атрофини обод қилиш мақсадида ишлаб чиқилган лойиҳалар бевосита мазкур ҳудудда вилоят ва шаҳар масъуллари билан бирга муҳокама этилди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Инфратузилма

# Қуёш фотоэлектр станцияси қурилмоқда

Яккабоғ туманининг Эски Яккабоғ маҳалласида 5 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига старт берилди.

“Green Energy Yakkabog” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

— Айни вақтда Хитойдан қиймати 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги қуёш панеллари ва ускуналарни олиб келиб, маҳалла ҳудудидаги 11,5 гектар адирлик майдонига ўрнатишни бошладик, — дейди тадбиркор Масрур Бадалов. — Жорий йил якунига қадар лойиҳанинг 1 МВт қувватга эга бўлган қисми ишга туширилиши режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, 2025 йилнинг биринчи чораги якунига қадар эса 5 МВт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси тўлиқ қуриб битказилади.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Ақлли» қозонхоналарнинг афзаллиги нимада?

Хоразм вилоятида кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларини марказлашган иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қозонхоналарга энергия тежамкорлиги юқори бўлган замонавий иситиш қозонлари ўрнатилмоқда.

— Қишнинг изғиринли кунларида аҳолини энг кўп ташвишга соладиган масалалардан бири иситиш тизими билан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас, — дейди “Хоразм иссиқлик манбаи” ДУК бош муҳандиси Дилшод Машарипов. — Уй иссиқ бўлса, кўнгил хотиржам, ишда унум ва барака бўлади. Корхонамизга қарашли бўлган 95 та қозонхона орқали 187 та ижтимоий соҳа объекти ва 333 та кўп қаватли уйга иссиқлик энергияси етказиб берамиз.

Қозонхоналардаги фойдали иш самарадорлиги паст бўлган эски қозонлар ўрнига замонавий иситиш тизимларини босқичма-босқич ўрнатяпмиз. Бундай “ақлли” қозонлар хавфсизлик кафолатига эга бўлиб, ёқилғи-энергия сарфини 25 — 30 фоизга камайтириш, шунингдек, ишчи кучини тежаш ҳисобига маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**


РЕКЛАМА

## A. AVLONIY NOMIDAGI PEDAGOGLARNI KASBIY RIVOJLANTIRISH VA YANGI METODIKALARGA O‘RGATISH MILLIY-TADQIQOT INSTITUTI

### 2024-YIL UCHUN QUYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO‘YICHA DOKTORANTURA, TAYANCH DOKTORANTURA, STAJOR-TADQIQOTCHI VA MUSTAQIL IZLANUVCHILIKKA QABUL E’LON QILADI:

| T/r | Ixtisoslik shifri | Ixtisoslik nomi | Tayanch doktorantura (PhD) | Ajratilgan kvota: Doktorantura (DSc) | Doktorantura: DSc | Doktorantura: PhD | Stajor-tadqiqotchi |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 13.00.07 | Ta’limda menejment | 5 | 1 | | | 2 |
| 2. | 13.00.02 | Ta’lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (sohalar bo‘yicha) | 3 | | | | |
| JAMI | | | 8 | 1 | | | 2 |

Doktorantura, tayanch doktorantura, stajor-tadqiqotchi va mustaqil izlanuvchilikka kirish uchun tanlovda ishtirok etishga hujjatlar www.phd.mininnovation.uz elektron manzili orqali taqdim qilinadi.

**Tayanch doktoranturaga o‘qishga talabgorlar taqdim etadigan hujjatlar:**
- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta’lim muassasasi magistraturasi diplom va ilovasi, oliy ma’lumot (mutaxassislik dasturlari bo‘yicha) to‘g‘risidagi diplom nusxasi;
- chet tili sertifikati (bunda filologiya yo‘nalishlari bo‘yicha kamida “C1” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro, nofilologik yo‘nalishlari bo‘yicha kamida “B2” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

**Doktoranturaga talabgorlar taqdim etadigan hujjatlar:**
- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo‘lganligi to‘g‘risidagi diplom nusxasi;
- chet tili sertifikati (bunda filologiya yo‘nalishlari uchun kamida “C1” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro, nofilologik yo‘nalishlar uchun kamida “B2” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat);
- tadqiqot mavzusi bo‘yicha ilmiy ma’ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek, ularning nusxalari;

**Stajor-tadqiqotchi:**
- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdqilangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta’lim magistraturasi diplom va ilovasi, oliy ma’lumot (mutaxassislik dasturlari bo‘yicha) to‘g‘risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

**Mustaqil izlanuvchilikka taqdim etiladigan hujjatlar:**
- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- falsafa doktorilik (PhD) ilmiy darajasini olish uchun mustaqil izlanuvchi sifatida rasmiylashtirish uchun magistrlik yoki oliy ma’lumot (mutaxassislik dasturlari bo‘yicha) to‘g‘risidagi diplom nusxasi;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- chet tili sertifikati (bunda filologiya yo‘nalishlari uchun kamida “C1” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro, nofilologik yo‘nalishlar uchun kamida “B2” darajadagi milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati va ularning nusxasi;
- ish joyidan tavsifnoma.

**Hujjatlar 2023-yil 15-oktabrgacha (shu kuni ham) qabul qilinadi.**

Tayanch doktoranturada o‘qish uchun talabgorlar mutaxassislik bo‘yicha kirish imtihonlarini topshiradi.
Doktoranturada o‘qish uchun kirayotgan talabgorlar ixtisoslik bo‘yicha suhbatdan o‘tadi.

Qo‘shimcha ma’lumot olish uchun A. Avloniy nomidagi milliy-tadqiqot instituti Doktorantura va magistratura bo‘limiga murojaat qilish mumkin. **Tel:** 71-246-06-63.
(**Manzil:** 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Ziyo ko‘chasi, 6-uy).

**Asos:** O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2023-yil 31-avgustdagi 01-03/2778-son xatiga ilova qilingan “2024-yil uchun ilmiy va ta’lim tashkilotlarining akkreditatsiyadan o‘tgan ixtisosliklari kesimida tasdiqlangan qabul kvotalari bo‘yicha taqsimoti”.

## O‘ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI

**2024-yil uchun tayanch doktorantura — falsafa doktori (PhD), doktorantura (DSc) hamda mustaqil izlanuvchilikka 17.00.02 — Musiqa san’ati ixtisosligi bo‘yicha qabul e’lon qiladi.**

**Tayanch doktorantura — falsafa doktori (PhD) (3 o‘rin), doktorantura (DSc) (2 o‘rin) hamda mustaqil izlanuvchilikka talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:**
- ariza;
- qisqacha biografik ma’lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta’lim muassasasi magistraturasi diplomi yoxud fan nomzodi diplomi yoki magistr darajasi joriy etilgunga qadar olingan oliy ma’lumot to‘g‘risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo‘yicha e’lon qilingan ilmiy ma’ruza va doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek, ularning nusxalari.

**Hujjatlar 15-oktabrga qadar qabul qilinadi.**

**DIQQAT:** talabgorlar talab qilinadigan hujjatlarni phd.mininnovation.uz elektron manzili orqali yuborishlari kerak.

**Manzil: 100027, Toshkent sh., B. Zokirov ko‘chasi, 1-uy. Ilmiy pedagogik kadrlar tayyorlash bo‘limi.**

**Telefonlar: 71-244-94-50; 71-244-95-09.**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 941. 33 088 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 5 6